

ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ВА ПЕДАГОГИК
ЖИҲАТЛАРИ ФАОЛЛИГИ

Юсупов Тоиржон Туланович
Фарғона давлат университети
Ўзбекистон, Фарғона ш.

Аннотация: Маълумки, баркамол авлодни шакллантиришнинг асосий воситалардан бири жисмоний тарбия ва спорт ҳисобланади. Чунки, жисмоний тарбия ва спорт ёшларнинг вояга этишида, соғлом бўлиб ўсишида муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан бу соҳани ривожлантириш ва унда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда ечимларини таклиф қилиш долзарб масалалардан биридир. Ушбу мақолада жисмоний фаоллик ва уни ривожлантиришнинг педагогик жиҳатлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия, жисмоний маданият, фаоллик, ижтимоий фаоллик, жисмоний фаоллик, соғлом турмуш тарзи.

Маълумки, спорт – жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, жисмоний тарбия воситаси ва усули, жисмоний машқларнинг турли мажмуалари бўйича мусобақалар ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш тизимиdir. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида касбий таълимни ахборотлаштириш мутахассисларнинг касбий фазилатлари ва тайёрлаш даражасига янги талаблар кўяди. Инсонларнинг ҳаёт тарзи, уларнинг санитарияга доир билимдонлиги, бу билимларни кундалик турмушда кўллай олишлари ва унга қатъиян риоя қилишлари, ўз организмлари ва баданларига бўлган онгли муносабатлари, ўз саломатликларига бўлган муносабатлари соғлиқни сақлашдаги энг муҳим шароитлар ҳисобланади. Ана шу элементлар саломатликни, жисмоний ва руҳий фаолликни, узоқ умр кўриш, умрни узайтирувчи омиллар ҳисобланади. Бошқача килиб айтадиган бўлсак, ҳар бир муайян шахснинг саломатлиги биринчи навбатда унинг ҳаёт тарзига, ана шу турмуш тарзи элементларига онгли ёндошишига боғлиқдир. Шулар билан боғлиқ ҳолда айтиш лозим-ки, соғлом турмуш тарзининг асосида атроф муҳитда бор бўлган барча омилларнинг организмга таъсир этиш мумкинлиги ҳакидаги маълумотларга эга бўлиш ва ана шу омиллардан ўзининг саломатлиги учун фойда келтирадиган томонларидан самарали фойдалана олиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилияtlарини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

Педагог томонидан таълим жараёнида инновацион характерга эга турли фаол методларнинг қўлланилиши, талабаларни ривожлантириш, қобилияtlарини янада ўстиришга хизмат қиласди. Таълим тизимида ёки ўкув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади кўзланади.

Ҳеч кимга сир эмас носоғлом турмуш тарзи ва етарлича бўлмаган жисмоний фаоллик натижаси аҳоли ўртасида, ёшлар ўртасида нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради, яъни - юрак қон-томир касалликлари, ҳавфли ўスマлар, нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари ва қандли диабет каби юқумли бўлмаган касалликлар бутун дунёда ногиронлик ва ўлимларнинг асосий сабабларидир. Улар асосан юқори қон босими, тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, қондаги холестериннинг юқори даражаси, ортиқча тана вазни, мева ва сабзавотларни етарлича истеъмол қилмаслик ва суст жисмоний фаоллик каби ҳавфли омиллар туфайли юзага келади.

Ҳақиқатдан ҳам, одамнинг соғлиғи кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиб яшashi лозим. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига кўра: “Саломатлик – бу касаллик, бирор нуқсонларнинг йўқлиги эмас, балки жисмоний, ақлий (рухий) ва ижтимоий хотиржамлиқдир”. Саломатликни ҳар қанча моддий бойлиқ ва маблағ эвазига сотиб олиб бўлмайди. Инсон мустаҳкам саломатликка эга бўлгандагина баҳтли яшashi мумкин.

Соғлом турмуш тарзи инсоннинг маданий, жисмоний ривожланиши, меҳнат унумдорлиги ва ижодий фаолиятини оширишни ўз ичига олади. Соғлом турмуш тарзи – касалликларнинг олдини олишда асосий тадбирлардандир. Соғлом турмуш тарзи маълум миқдорда руҳий ва жисмоний талабларни қониқарли даражада амалга оширишга имкон беради.

Соғлом турмуш тарзининг асосий омилларидан етакчиси тўғри овқатланишдир. Ирсий касалликлардан ташқари мавжуд касалликларнинг

деярли барчасининг сабаби кишини ҳайратга соладиган даражада бир хил бўлиб, бу нотўғри турмуш тарзи ва нотўғри овқатланишdir.

Ҳар қандай таълим-тарбия жараёнининг муваффакияти, тарбияланувчиларнинг ўзининг бу ишга қанчалик онгли ва фаол муносабатда бўлишларига ҳам боғлиқdir. Жисмоний тарбия жараёни вазифаларини тўғри тушуниш, уларни кизиқиш билан фаол бажариш тарбиянинг боришини тезлаштиради, ҳосил қилинган билим, малака ва қўнималарни чуқур такомиллаштириш ва улардан ҳаётда ижодий равиша фойдаланишга имкон беради. Бу қонуниятлар энг аввало онглилик ва фаоллилик тамойилининг асосини ташкил этади.

Жисмоний тарбия жараёнида онглилик ва фаоллилик тамойили қуйидаги асосий йўналишлар бўйича қўлланилади.

Жисмоний тарбия жараёнида бериладиган вазифалар маълум жисмоний машқлар тарзида бажарилади. Ўқитувчи бажариш учун машқ бериш билан бирга, шуғулланувчиларга нимани бажариш ва қандай бажариш кераклигини эмас, балки шу машқни бажариш тавсия этилишини шу қоидага риоя қилиш керак эканлигини ҳам тушунтириши зарур.

Мақсад ва вазифаларни қанчалик тушуниб олиш шуғулланувчиларнинг ёш имкониятларига ва тайёргарлик даражасига боғлиқлиги ўз-ўзидан равшандир. Жисмоний тарбиянинг дастлабки босқичларда оддий тушунчалар таркиб топади, кейинчалик эса шуғулланувчилар ишнинг моҳиятини тобора чуқурроқ билиб борадилар.

Кўриниб турибдики, жисмоний тарбия жараёни узлуксиз бўлиши керак, яъни сабабсиз танаффуслар бартараф этилиши керак, шундан сўнггина жисмоний етукликка эришишнинг шароитлари яратилади. Машқларни такрорлаш ва янгилаб туриш, жисмоний тарбия жараёнида, тарбиянинг бошқа кўпчилик турларига қараганда, такрорлашга анча кенг ўрин берилади. Жисмоний тарбия жараёни учун такрорлаш билан бир каторда, вариативлик, яъни машқларнинг ва уларнинг бажарилиш шартларининг тез-тез ўзгартириб туриш, юкламаларни аста-секин ошириб бориш ҳамда уларни қўлланишнинг ранг-баранг услубларини тадбиқ этиш, умуман машғулотларнинг шакл ва мазмунини ўзгартириб туриш ҳам муҳимdir.

Жисмоний фаоллик. Фаол ҳаракат билан боғлиқ ҳаёт кечириш, чиникиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш - соғлом турмуш тарзининг муҳим омилларидан бири бўлиб, инсоннинг соглом турмуш кечиришида фаол ҳаракат, яъни чиникиш асосий ўринни эгаллайди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш мақсадида Фармон ва қарорлар ишлаб чиқилган, жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантиришга, шу билан бирга, соғлом авлодни шакллантиришга катта замин яратди. Ҳар бир инсонда жисмоний тарбия ва спортта меҳр уйғотиш оиласдан бошланади. Энг муҳими, жисмоний тарбия ва спорт соғлом турмуш тарзининг асосларидан бири сифатида ёшларнинг ўз имконият ва салоҳиятини, ўз жисмоний ҳамда маънавий камолотини ошириш йўлида хизмат қиласди. Жисмоний тарбия ва спорт билан доимий равиша узлуксиз шуғулланиш болани ҳам жисмонан, ҳам руҳан тетик қиласди, унинг бутун вужуди уйғун тарзда камол топади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 февралдаги “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №118 сон қарорида ахолининг барча қатламларини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан кенг қамраб олишни таъминлайдиган инновацион шакллар ва механизmlарни ишлаб чиқиш ва жорий этишини ташкил этиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Жисман баркамоллик – тарихан ўзгариб турадиганҳар қандай тарихий давр учун ўзининг идеал таснифига эга бўлган тушунча тарзида турлича талқин қилинган, чунки бу идеалда ахолининг иқтисодий шароити, ижтимоий ҳаёти дунё қарashi ифодаланган. Лекин асрлар давомида жисмоний баркамол авлод тарбияси мавжуд жамиятда объектив имкониятлар ва шароитни юзага келмаганлиги сабабли, абстракт фоялигича қолиб реал ҳақиқатга айланмай қолган.

Жисмоний тарбия жараёнида бир қатор ҳар хил ҳаракатларни бирлаштириш ва уларни қатъий регламентлаштирилган машқ услублари билан яхлит тартибда қўллаш ҳоллари бўлади. Фаолиятнинг комплекс характерда бўлиши жисмоний сифатларнинг бир-бири билан органик боғланган ҳолда ҳар томонлама ўсишига имкон беради ҳамда ҳаракат координацияларини такомиллаштириш учун яхши шароит яратади.

Ҳар хил жисмоний машқлардан комплекс фойдаланишда айланма тренировка усули кўп фойдаланилади. Бунда асосий ва ёрдамчи спорт гимнастикаси, спортнинг баъзи турларидан олинган мураккаб бўлмаган ҳаракатлар қўлланилади. Ациклик тузилишдаги ҳаракатлардан қўпчилигига бажариш жараёнида сунъий цикллилик тузи берилади. Айланма тренировка жисмоний фазилатларни такомиллаштиришга қаратилган варианtlарга эга бўлади. Улар чидамлиликни тарбиялашга

қаратилған-узлуксиз машқ услуги ҳисобланади. Дам олишнинг қаттиқ интервали билан бажариладиган интервал машқ услублари куч ва куч тезкорликни тарбиялашга қаратилған, тўла интервалда дам олиш билан бажариладиган интервалли машқ услублари чаққонлик, эгилувчанликни ривожлантиради. Айланма тренировкада танлаб, мақсадга йўналтирилган ва умумий таъсир ўтказувчи машқлар бир-бири билан боғлиқлигича амалга оширилади. Бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга ўтишда фаолиятларни алмаштириш самарасидан кенг фойдаланилади. Бу билан ишчанликни оширишга ҳамда ижобий ҳиссиётларнинг шаклланишига имкон туғилади.

Жисмонан баркамоллик саломатликнинг меъёри ва ҳар томонлама жисмоний тайёргарликни даражаси ҳақидаги тарихан шаклланган тасаввур, улар меҳнат, жамоатчилик, харбий ва одамларнинг ижодкорлик фаолиятларини узоқ давом этиши талабларига нисбатан оптимал жавоб беради. Жисмоний камолот шахсни гармоник ривожлантиришда аниқ маъно ва ижтимоий моҳият касб этади. Фақат жисман камолотга эришиш учун бажарилған фаолият педагогик жараён давомида бир томонламаликга олиб келиши амалиётда исботланган. Фақат жисмоний машқ билан шуғулланиш, жисмонан камолот сари йўл олсада, бир томонламаликга етаклайди, уни гармоник тарбия элементлари – маънавий, маърифий ахлоқий, руҳий, эстетик меҳнат тарбиясини олишдан узоқлаштиради. Юқоридаги фикрларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, жисмоний тарбия ва спорт – халқлар ўртасида ҳамкорлик, тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлайдиган воситадир.

ХУЛОСА

Келажак авлодни объектив қонуниятлар асосида жисмоний маданият усулари орқали байналминал руҳда тарбиялаш – спортнинг миллий турларини ривожлантириш ёрдамида амалга оширилади. Халқаро спорт алоқалари, бошқа миллат вакилларига нисбатан хурмат, уларнинг урғодатлари билан яқиндан танишиш, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ҳис-туйғуларини тарбиялайди. Шундай қилиб, жисмоний маданият ва спорт кишиларни бирлаштириш, тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида ва бир-бирини тушуниш вазиятини яратишида муҳим восита бўлиб хизмат қиласи.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 сентябрдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-394-сон конуни;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3031-сонли қарор.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва ахолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4063-сонли қарор.

4. Yuldashov, I., & Goynazarov, G. (2021). A need to improve the institutional system for increasing the social activity of young people at the stage of development. *Интернаука*, (12-3), 18-19.

5. Yuldashov, I., Umaralievich, K. U., Goynazarov, G., & Abdurakhmonov, S. (2021). Innovative development strategy in the field of sports and the basics of its organization. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 11(11), 48-53.

6. Фойназаров, Ф. А. (2021). Кичик Мактаб Ёшдаги Болаларга Бериладиган Ҳаракатли Ўйинлар. *Scientific progress*, 2(1), 202-211.

7. Goynazarov, G. (2022). Development of Movement Qualities in Children. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(04), 42-47.

8. Махмуталиев, А., Тухтаназаров, И., & Файратжон, Ф. (2022). ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ ТАВСИФИ ВА ТАСНИФЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 216-221.

9. Goynazarov, G. (2022). THE MAIN ASPECTS OF THE FORMATION OF PHYSICAL CULTURE IN THE EDUCATIONAL PROCESS. *Research Focus*, 1(4), 312-315.

10. Парпиев, О., Абдурахмонов, Ш., & Файратжон, Ф. (2022). Жисмоний Тарбиялаш Жараёнида Ёшларнинг Ҳаракат Сифатларини Тарбиялашнинг Аҳамиятли Жиҳатлари. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 3), 103-108.

11. G'Oynazarov, G. (2022). JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA O'QITISH METODLARIDAN SAMARALI FOYDALANISH. Экономика и социум, (6-2 (97)), 71-74.
12. Soliev, F., Makhmutaliev, A., & Goynazarov, G. (2021). Ways To Effectively Solve Modern Educational Problems Using Art Technologies On The Basis Of Collaborative Pedagogy. Scientific progress, 2(8), 276-280.
13. Yuldashov, I., & Goynazarov, G. (2021). THE IMPORTANCE OF SPORTS TRAINING. Мировая наука, (12 (57)), 34-37.
14. Goynazarov, G. A. (2023). TRAINING ATHLETES IN MORAL AND VOLITIONAL AND SPIRITUAL QUALITIES. IMRAS, 6(7), 400-406.
15. Фойназаров, F. A. (2022). Jismoniy madaniyat mutaxasislarida intellektual qobilyatlarini tarkib toptirishi.“. Ilm-zakovatimiz-senga, ona-Vatan, 202-211.
16. Фойназаров, F. A. (2021). Плавание Как Средство Оздоровления Детей Дошкольного Возраста. Maktabgacha va boshlang 'ich ta'limning dolzARB masalalari: muammo, yechimlar va rivojlanish istiqbollari xalqaro ilmiy-amaliy anjumani, 2(1), 202-211.
17. Goynazarov, G. A. (2021). Preparation For The Use Of Modern Information Technologies In The Professional Activities Of Physical Education And Sports. AQSH International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS), 2(1), 202-211.
18. To'lanovich, Y. T. (2023). ERKIN KURASHDA TEXNIK VA TAKTIK HARAKATLARNI O'QITISH METODIKASI. O'ZBEKİSTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(24), 73-78.
19. Tulanovich, Y. T., Madaminovich, D. E., & Baxodirovna, X. B. (2021). Rhythmic gymnastics in the system of physical education. Innovative Technologica: Methodical Research Journal, 2(12), 25-29.
20. Ravshan, M., & Toirjon, Y. (2022). Specialists in the field of physical education and sports management are the models of professional development. Asian Journal of Multidimensional Research, 11(4), 124-128.
21. Xasanov, A. T., Yusupov, T. T., & Alalomov, E. I. (2020). Подготовка Специалистов Факультета Военного Образования К Профессионально-Иновационной Деятельности. European Journal of Humanities and Social Sciences, (1), 108-113.